

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---


---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
ХАБАРЛАР-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2019



**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Х.Жўраев</b>	
“Туркистон тўплами” – Россия империясининг Туркистонга аҳолини қўчириш сиёсати тарихини ўрганишда муҳим манба .....	97
<b>Ш.А.Раҳимов</b>	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: миллий тажриба ва халқаро ташабbusларнинг объектив зарурияти .....	101
<b>ФАЛСАФА, СИЁСАТ</b>	
<b>Қ.Назаров, Д.Норматова</b>	
Ўзбек фалсафасининг янгиланиш зарурати масаласига доир .....	106
<b>Н.О.Сафарова, И.М.Арзиматова</b>	
Форобий ва беруний ижодида ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоялари .....	109
<b>С.Чориев, Б.Иминов</b>	
Ғарбни таназзулга ботирган ғоя .....	113
<b>Г.Ж.Туленова, А.А.Мадаминов</b>	
Сиёсий партиялар ва жамиятни демократиялаш .....	119
<b>Ҳ.О.Шайхова С.С.Хошимов</b>	
Бугунги дунё ва унинг одамлари .....	122
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>А.Ҳамдамов</b>	
Абдулла Орипов шеъриятида миллий ҳис-туйғулар талқини .....	127
<b>Н.Султонова</b>	
Ўзбек адабиётида модификация .....	130
<b>Қ.В.Юлчиев</b>	
Учликда макон ва вақт категорияси .....	134
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>З. Алимова</b>	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда маъно ва товуш ўзгариши ҳодисаси .....	138
<b>И.Расулов</b>	
Рус ва ўзбек фразеологизмларининг семантик структураси .....	143
<b>Г.Умаржонова</b>	
Замонавий немис ва ўзбек тилларида “hand” – “қўл” фразеологик бирликлар функционал мазмунининг тадқиқи масаласи .....	148
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Р.Джалилова</b>	
Академик қаламтасвиртариҳини ўқитишнинг методологик асослари .....	152
<b>М.Каримова, Ш.Арипов</b>	
Талабалар ўкув фаоллигини оширишнинг назарий асослари .....	155
<b>И.Қирғизов, А.Нурмуҳаммаджонов</b>	
Мусиқа маданияти дарсларида ўкувчиларнинг мусиқа тинглаш компетенциясини шакллантириш тажрибасидан .....	158
<b>ИЛМИЙ АҲБОРОТ</b>	
<b>С.Эватов</b>	
Тасаввуф таълимотида ваҳдат ул-вужуд назарияси .....	162
<b>М.Маматов, О.Азимбеков</b>	
Ўзбекистонда сўфейликнинг ҳозирги ҳолати .....	165
<b>Ф.Дадабаева</b>	
А. Қодирийнинг “ ўткан кунлар” асаридаги ҳаракат тасвирининг олмонча ва русча таржималардаги талқини .....	167
<b>Х.Убайдуллаев</b>	
Лингвокультурология тарихини ўрганиш хусусида .....	169
<b>С.Ҳакимжонова</b>	
Ўзбек тилида ҳолат равишларининг услубий хусусиятлари .....	171
<b>Б.Алимов</b>	
Миллий аудиовизуал тармоқларнинг мамлакат имижини ривожлантиришдаги аҳамияти .....	174
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	179

**МИЛЛИЙ АУДИОВИЗУАЛ ТАРМОҚЛАРНИНГ  
МАМЛАКАТ ИМИЖИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ  
РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ АУДИОВИЗУАЛЬНЫХ СЕТЕЙ В РАЗВИТИИ ИМИДЖА СТРАНЫ  
IMPORTANCE OF NATIONAL AUDIOVISUAL NETWORKS IN THE DEVELOPMENT OF THE  
IMAGE OF THE COUNTRY**

Б.Алимов

**Аннотация**

Бугунги даврда радио ва телевидение жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнида алоҳида аҳамиятга эга. Айни сабабдан мамлакат имижини мустаҳкамлашда аудиовизуал тармоқлардан самарали фойдаланиш масаласини ҳар томонлама ўрганиш зарур. Ушбу мақолада Ўзбекистондаги асосий теле ва радиоканаллар фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар таҳлил қилинади.

**Аннотация**

В современном мире радио и телевидение имеют особое значение в построении связей с общественностью. По этой причине необходимо тщательно изучить вопрос об эффективном использовании аудиовизуальных сетей для укрепления имиджа страны. В данной статье анализируются некоторые вопросы, связанные с деятельностью ведущих телерадиоканалов в Узбекистане.

**Annotation**

In the modern world, radio and television are of particular importance in building public relations. For this reason, it is necessary to carefully study the issue of the effective use of audiovisual networks to strengthen the image of the country. This article analyzes some issues related to the activities of leading television and radio channels in Uzbekistan.

**Таянч сўз ва иборалар:** имиж, мамлакат, телевидение, радио, сайт, интернет, образ, сунъий йўлдош.

**Key words and expressions:** image, country, TV, radio, site, internet, information, satellite.

**Ключевые слова и выражения:** имидж, страна, телевидение, радио, сайт, интернет, информация, спутник.

Россиялик олим Д.Ольшанский ўз тадқиқотларида радио ва телевидениенинг жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратан. Хусусан, унинг фикрига кўра «радионинг оммавий ахборот воситаси сифатидаги инкор этиб бўлмайдиган энг муҳим жиҳатлари бу – тезкорлик ва эмоционалликдир. Шунингдек, радио ахборотлар техник жиҳатдан чегара ва масофаларни билмайди. Радиони бир пайтнинг ўзида Арктикада ва Антарктидада ҳам эшитиш мумкин» [Ольшанский, 2003, 544].

Тадқиқотчи ушбу жараёнда телевидениенинг ҳам ўзига хос устиворликлариiga баҳо берар экан, жумладан шундай ёзади: «кўриш ва эшитиш орқали пайдо бўладиган образлар ҳамоҳанглигига воқеа ёки ҳодисалар ривожини кўрсатар экан, телевидение ҳозирги даврда оммавий коммуникациялар

тизимидағи энг таъсирчан восита ҳисобланади».

Қўриниб турибдики, россиялик олим радио ва телевидение орқали аудиториянинг онгига кучлироқ таъсир этиш мумкинлиги, қолаверса улар воситасида ривожлантириладиган мамлакат имижининг когнитив аспектига ишора қилади.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларига қараганда телерадиоканаллар интернет имкониятларидан бирмунча унумли фойдаланмоқдалар. Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг мавжуд энг сўнгги ютуқлари жорий этилмоқда. Сунъий йўлдош тармоқлари орқали ўз кўрсатув ва эшиттиришларини бутун дунёга тарқатётган телерадиоканалларимиз бир вақтнинг ўзида интернет сахифаларини ҳам такомиллаштирумояда.

2019 йил июнь ойидаги маълумотга

кўра, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг расмий сайтида республика даражасидаги 12 та теле ва 4 та радио канал он-лайн режимида жойлаштирилган. Улардан дунёнинг исталган бурчагида баҳраманд бўлиш мумкин. Хусусан, «O'zbekiston», «Yoshlar», «Toshkent», «Mahalla» телерадиоканалларига бевосита уланиш имконияти мавжуд. Булардан ташқари вилоятлар кесимида фаолият олиб бораётган 12 та телеканал ҳақида маълумотлар кўрсатилган [<https://mtrk.uz/uz/>. Мурожаат қилинган сана: 18.06.2019й.].

Умумий ҳисобда Тошкент шаҳридан жами 16 та радиостанция (давлат ва нодавлат каналлар) ўз эшииттиришларини хорижий медиа майдонга он-лайн тизимида узатмоқда. Улар орасида «O'zbekiston24» «O'zbekiston», «Yoshlar», ва «Mahalla» радиоканаллари билан бирга «O'zbekiston24», «Poytaxt», «Radio Maxima», «Mumtoz FM», «Vodiy sadosi», «Avtoradio», «AzonFM» каби ёшлар орасида оммавийлашган тармоқлар интернетда анча фаол иш олиб бормоқда [<http://mediabay.uz/radio>. Мурожаат қилинган сана: 18.06.2019й.].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тасаруфида «Madaniyat va ma'rifat» ва «Dunyo bo'ylab» телеканаллари фаолиятини бошлади. Янги телеканаллар ўз дастурларини илк бор 2012 йил 31 декабрь соат 19:00 дан эфирга узатди [Рўзиев, Жўраева 2013, 176; 19, 21].

Кўринадики, эндилиқда ОАВ ва интернетни бир-биридан алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас. Асосийси, глобал тармоқ мамлакатлар ўртасидаги географик чегара тушунчасини бир мунча шаффофлаштириди ва «совуқ уруш» давридан мерос қолган темир пардаларнинг олиб ташланишига йўл очди. Биргина мисол. Ўзбекистон ҳудудида бирорта янги он-лайн радиоканал пайдо бўлди дегунча, шу куннинг ўзида унинг муштариylари қаторига Москва, Манхэттен, Жидда ёки Токиодаги тингловчилар ҳам қўшилмоқда. Бу – хорижий медиа маконида мамлакатимиз

имижини ривожлантириш имконияти янада ортмоқда деганидир.

Ўтган асрнинг охирлари, амалдаги аср бошларида дунё сахнида миграция жараёнлари мисли кўрилмаган даражада жонланиб кетди. Ўзбекистон аҳолиси бу жараёндан четда қолмади албатта. Шу сабабдан ҳам хорижда тақсил олаётган, меҳнат қилаётган ёки доимий истиқомат қилаётган ватандошларимиз тобора қўпайиб бормоқда. Ишончимиз комилки, турли сабабларга кўра олис-яқин хорижий диёрларда яшаётган ватандошларимиз юртимиз, ҳалқимиз ҳаётига бефарқ эмаслар. Уларда она Ватан билан боғланишга бўлган эҳтиёж катта. Ана шу эҳтиёж интернетдаги телерадиоканаллар воситасида – виртуал алоқа орқали қондирилмоқда. Ўзга мамлакатларда дунёга келаётган, вояга етаётган ўғил-қизлар эса ота-боболарининг миллий анъаналари, урф-одатлари, тили ва маданиятини айнан телекўрсатувлар орқали ўрганиб бормоқдалар.

Тўғри, телекўрсатув ва радиоэшииттиришларни он-лайн тарзда узатиш, аввалимбор хориждаги маҳаллий аудитория учун мўлжалланади. Лекин чет мамлакатлар, жумладан Россия, Хитой, Туркия тажрибасига эътибор қаратилса, бу масала янада чуқурроқ мазмун касб этади. Мисол учун, Россиянинг асосан давлатга тегишли телеканаллари виртуал кенглик воситасида ўз кўрсатувларини тўғридан-тўғри узатиш орқали мамлакатдан ташқарида яшаётган миллионлаб россиялик муҳожирларнинг ўз ватани билан алоқаларини узмаслигини, миллий маданиятидан узоклашмаслигини таъминлаб келмоқда. Моҳиятан эса бутун дунё аҳолиси ўртасида Россиянинг ижобий имижини шакллантириш, унинг сиёсий ва иқтисодий қудратини кўрсатиш, рус маданиятини тарғиб қилиш асосий мақсад этиб қўйилган (Russia today каналининг «SophieCo», «RT репортаж», «Экслюзивное интервью» каби кўрсатувлари). ВГТРК [Всероссийская государственная телевизионная и радиовещательная компания] таркибида фаолият олиб бораётган «Россия 24», «РТР Планета», «Культура» каби каналлар фаолиятида ушбу мақсад яққол намоён бўлади.

Хитой марказий телеканали – CCTV да берилаётган кўрсатувлардан дунёнинг айнан

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

қайси нүқталарида мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари кўпроқ эканлигини сезиш қишин эмас. Мисол сифатида «Asia today», «Americas now», «Talk Africa», «Global business» каби кўрсатувларни қайд этиш мумкин. Шунингдек, CCTV жаҳонда энг кўп тарқалган тиллардан кенг фойдаланиш баробарида хорижга узатилаётган дастурларда хитой тили ва маданияти тарғиботи масаласига алоҳида эътибор қаратади.

Туркияning давлатга қарашли «TRT» халқаро каналининг кўпгина дастурлари хорижда яшаётган туркларга мўлжалланган. Унда чет элларда яшаётган ватандошларга ҳам сўз, фикр айтиш имконияти берилади. Муҳими, ватан соғинчида юрган муҳожирларни ўз она юртларига нисбатан ҳурмати ва муҳаббатини оширишга эришилади (мисол тариқасида «TRT»нинг «Гурбатдагилар» номли кўрсатувини алоҳида қайд этиш мумкин). Булар, сўзсиз, мамлакатнинг халқаро медиа макондаги обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев хорижий мамлакатларга амалга ошираётган ташрифлари чоғида вақт тиғизлигига қарамасдан ана шу давлатларда тақсил олаётган ёки меҳнат қилаётган ватандошларимиз билан алоҳида сұхбатлашишга эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳамюртларимизнинг уерлардаги турмуш шароитлари, ўқиш ва ишлари, орзу-умидлари билан танишар экан, уларни Ватанинн унутмасликка, Ўзбекистон равнақига бевосита улуш қўшишга undайди.

Хусусан:

Нью Йорқда [Мирзиёев АҚШда истиқомат қилаётган ўзбекистонликлар билан учрашди. <https://kun.uz/72274559.21.09.2017>. Мурожаат қилинган сана: 18.06.2019й.];

Берлинда [Шавкат Мирзиёев Берлинга ташрифини ватандошлар билан учрашишдан бошлади. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/01/21/berlin/>. 21.01.2019. Мурожаат қилинган сана: 18.06.2019й.]

бўлиб ўтган ана шундай учрашувлар кенг жамоатчиликнинг жуда катта қизиқишиларига сабаб бўлди ва ижтимоий тармоқларда ижобий баҳоланди.

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида «Facebook» тармоғи орқали жами 4250 кишидан иборат аудитория ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда респондентларга қўйидаги савол билан мурожаат қилинди: «Хориждаги ватандошлар учун мўлжалланган ёки улар иштирокидаги кўрсатув, радио эшиттириш борми?».

[[https://www.facebook.com/beruni.alim/?\\_tn\\_\\_=%2CdC-R-R-R&eid=ARAj32LLZns6gDIXLJGa2gEM\\_SqNVWSTQth9f2HOCDt7JBm5BN9I1dYmux5ew8U63XozYf6H-IRI9b8K&hc\\_ref=ARQfxIGwKinRTi0z6CDhnute-AjoRTMk6ONqP7egFqoxrzy1KVYQ0UiCLH3IAYWpiRI&ref=nf](https://www.facebook.com/beruni.alim/?_tn__=%2CdC-R-R-R&eid=ARAj32LLZns6gDIXLJGa2gEM_SqNVWSTQth9f2HOCDt7JBm5BN9I1dYmux5ew8U63XozYf6H-IRI9b8K&hc_ref=ARQfxIGwKinRTi0z6CDhnute-AjoRTMk6ONqP7egFqoxrzy1KVYQ0UiCLH3IAYWpiRI&ref=nf). Сўровнома ўтказилган сана: 18.06.2019й.]

Респондентлар томонидан берилган айрим жавобларни келтирамиз.

**Пўлатдемир Гулбаҳар, Туркияда истиқомат қилувчи ўзбек журналисти:** - Йўқ. Аммо бўлса, биз ҳам бундай кўрсатув ва эшиттиришларга ҳисса қўшардик. Радио теле муҳбирлик ёки менежерлик бўлса айтинглар.

**Азамат Аминов, Россияда истиқомат қилувчи ҳуқуқшунос:** - Агар шундай радио бўлса, кўп юртларда яшовчи ўзбек ватандошлар учун яхши бўлар эди. Ҳар хил ёшдаги одамларга мўлжалланган бўлса, фақат маданий эмас, бошқа соҳалар ҳақида эшиттирадиган, ватандошлар ютуқлари, Ўзбекистон янгиликлари бўлса яхши.

**Адiba Холматова, «Uzagrosugurta» компанияси Ахборот хизмати раҳбари, собиқ тележурналист:** - Хориждаги ўзбеклар учун эмаску, лекин кардош халқлар қозоқ, қирғиз, татар, рус тилларида Ўзбекистон радиоканалида эшиттиришлар эфирга бериб борилади.

**Ваҳобиддин Зиё, радиожурналист:** - Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бериш бўлими томонидан «Ватандош» эшиттириши борилган. Ёпилган. Сабабини билмайман, узр.

**Рўзибай Қўлдошев, тележурналист:** - Илгари Республика Радиосида хориждаги ватандошлар учун эшиттиришлар берадиган маҳсус бошқарма бор эди. Унда бир неча мамлакатлар учун ўзбек тилида доимий эшиттиришлар узатилган. Афсуски, йиллар

давомида миллионлаб мухлислар эътиборини қозонган ана шу радиоэшиттишлар йўқотилди. Бир неча тилларни мукаммал биладиган малакали мутахассислар иш жойларини ташлаб кетишиди (жами 12та тилда, 2006 йилгача – Б.А.).

Холбуки, «Ватандош» деб аталадиган ана шундай мўътабар минбар айрим жоҳил ва узоқни кўра олмайдиган мансабдорлар томонидан йўқотилди. У ёрда хорижий мутахассислар ҳам ишлаган.

**Латифхужа Усмонхужаев, блогер, шифокор стоматолог:** - МТРКнинг ҳеч бир давлатда маҳсус мухбири йўқ-ку. Ваҳоланки ҳалқаро журналистикани йилига қанчадан-қанча ёшлар битказиб чиқади. «ВГТРК»га ҳавас қиласман, ҳамма жойда мухбирлари бор. Шундай экан, МТРКнинг хорижий давлатлар тўғрисида дастурлари тўғрисида қандай гап сўз бўлиши мумкин?

**Баходир Суяров, «Facebook» фойдаланувчи:** - Битта савол. ЎзМТРКнинг қайси давлатда рвсмий мухбири бор? Йўқ. Яна қанақа кўрсатув бўлиши мумкин. Лоақал кўшниларимизда биронта мухбир йўқ. ЎзТВ раҳбарларини барчасини ишдан ҳайдаш керак.

**Гулруҳ Мўминова, «Зарафшон» ва «Самаркандинский вестник» газеталари мухбири:** - «Ватан садоси» деган радио бор. Ҳудудий хавфларни аниқлаш билан шуғулланувчи марказ раҳбари айтганди. Менгнат мухожирларининг талабини инобатга олган ҳолда эшиттиришлар олиб борилади, деганди (<http://stopterror.uz/ru/multimedia/radio/> - Б.А.).

**Махзуна Камолова, «O'zbekiston24» телеканали мухбири:** - «Мен ўзбекман» – «I am Uzbek» номли лойиҳам бор. Ҳамкор ташкилотлар бўлса, буни ривожлантироқчиман. Айнан ватандошлар ҳаётини ёритишга мўлжалланган. Доимий кўрсатув бўлади шу лойиҳам (<https://www.youtube.com/watch?v=EMVII4Scdtw&feature=youtu.be>).

**Авазбек Файз, журналист, блогер:** - «Yoshlar» телеканалида «Хориждаги тенгдошим» кўрсатуви бор (<https://www.youtube.com/watch?v=dzuxOIOSHR8> – Б.А.).

**Отабек Муҳаммадий, тележурналист:** - 2018 йилда «Yoshlar» телеканалида «Хориждаги тенгдошим»

туркум кўрсатуви тайёрланган. Унда Германия, Америка, Корея, Туркия, Малайзия ва бошқа юртдаги ўзбекистонликлар - олимлар, талабалар, бизнесменлар билан онлайн сұхбат бўлган. Уларнинг қизиқишилари, режалари ўрганилган.

**Исфандиёр Бургутбоев, тележурналист:** - Бир йилдан бўён «Dunyo bo'ylab» каналида «Хориждаги юртдошим» кўрсатувини тайёрлаяпман. Кўрсатувим 2 хил тарзда таёrlанади. Биринчисида хорижда ишлаётган ёки бакалавр, магистрлик, докторликка ўқиётган юртдошларимиз билан сұхбат шаклида бўлади. Иккинчиси, каналимиз туризм мавзуси билан боғлиқ бўлганлиги учун, уларнинг ўзлари ўша мамлакатлар ҳақида тайёрлаган турли блоглар, видео материаллар асосида тайёрланади.

**Абдуазизз Курбонов, тележурналист:** - «Спорт» телеканалида чет эл жамоаларида ўйнаётган ўзбекистонлик футболчилар ҳақида «Легионер» номли кўрсатув узатилмоқда. Ҳар ҳафта душанба кунлари мунтазам равишда эфирга узатиб келинмоқда.

Шундай қилиб, юқорида ўтказилган ижтимоий сўров натижасига таянган ҳолда айтиш мумкинки, хорижий мамлакатлардаги ватандошлар учун мўлжалланган ёки улар иштирокидаги кўрсатув ва радио эшиттиришлар шаклланиш босқичида турибди. Айни сабабдан ҳозирча уларнинг умумий қамрови етарли даражада эмас.

Бироқ, амин бўлдикки, чет элдаги ўзбек тилида сўзлашувчи аудиторияда юқоридаги сингари кўрсатув ва эшиттиришлардан баҳраманд бўлишга ҳамда айни пайтда маҳаллий журналистларимизда бу каби дастурларни тайёрлашга нисбатан қизиқиш катта.

Демак, мазкур йўналишдаги ишларни имкон қадар жонлантириш зарур.

Назарий жиҳатдан ТВнинг асосий функциялари қаторига ахборий, маданий-маърифий, интегратив, рекреатив ва ижтимоий-педагогик вазифалар ҳам киритилади. Шу билан бирга телевидениенинг бошқарув функцияси ҳам алоҳида аҳамиятга молиқдир.

Аниқроқ айтганда, аксарият ҳолатларда телевидение тўғридан-тўғри

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

давлат сиёсатининг тарғиботчисига айлантирилган. Тараққий этган, ҳатто ўзини идеал кўринишдаги демократик жамият эгаси деб билувчи давлатларда, чунончи Буюк Британияда ҳам бундай ҳолатлар ошкора тан олинади. Мисол учун жаҳонга машҳур «Би-Би-Си»

телерадиокорпорациясининг шиорларидан бири – «Хабардор қилиш, ўргатиш, кўнгил очиш» (inform, teach and entertain). Лекин шуни ҳам эсда тутиш керакки, телеканал ҳукуматга яқинми ёки кенг омма кайфиятига мансубми, қатъий назар, у ҳар икки ҳолатда ҳам мамлакат медиа имижини яратишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакат имижини ривожлантиришда аудиовизуал журналистика ўрнининг орта бориши билан боғлиқ масала таҳлили асосида қуидаги таклифлар илгари суриласди:

– веб-саҳифа орқали хоҳлаган ОАВ ўз ихлосмандларининг талаб-истакларини

бевосита ўрганиши ва уларга амал қилган ҳолда аудиториясиغا янада яқинлашиши мумкин. Чунки бу тизим мультимедиавий хусусияти билан анъанавий ОАВнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштиришга, яъни, бир неча усувлар орқали истеъмолчиларга маълумот узатишга қодирдир. Шундай экан, интернет орқали маҳаллий радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларни ҳам тўғридан-тўғри узатиш ишларини жонлантириш зарур;

– телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни он-лайн тарзда узатиш, аввалимбор хориждаги аудитория учун мўлжалланади. Мамлакатдан ташқарида яшаётган ватандошларнинг она ватани билан алоқаларни узмаслиги, миллий маданиятимиздан узоклашмаслигини таъминлашга ёрдам беради, шу орқали халқаро миёсларда Ватанимиз имижини шакллантиришга ҳисса кўшади.

1. Olshanskiy D. Politicheskiy PR. – SPb.: Piter, 2003. –544 s.
2. Do'stmuhammad X. Axborot – mo'jiza, joziba, falsafa. –T.: "Yangi asr avlod", 2013. – 320 b.
3. Ro'ziyev F., X.Jo'rayeva. Telejournalistga tavsiyalar. – T.: Sharq, 2013. – 176 b.
4. Mirziyoyev AQShda istiqomat qilayotgan o'zbekistonliklar bilan uchrashdi. <https://kun.uz/72274559>. 21.09.2017. Murojaat qilingan sana: 18.06.2019y.
5. Shavkat Mirziyoyev Berlinga tashrifini vatandoshlar bilan uchrashishdan boshladi. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/01/21/berlin/>. 21.01.2019. Murojaat qilingan sana: 18.06.2019y.
6. Xudoqulov M. Jurnalistika va publisistika. –T.: "Tafakkur", 2011. 281 b.
7. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. 2017 yil 7 fevral // «Xalq so'zi». 2017 yil 8 fevral.
8. Parsons T. O strukture sotsialnogo deystviya. – M., Akademicheskiy proyekt, 2000. – 880 s.;
9. Tlepbergenova A. Stranovoy imidj: uchebnoye posobiye dlya studentov bakalaviata universitetov, obuchayushixsa po spetsialnosti «Jurnalistika», «Svyaz s obshestvennostyu». – Almati: Qazaq universiteti, 2011. – S. 78.
10. Vasilenko I.A. Geopolitika sovremennoogo mira. – M., 2006. – 317 s.
11. Utlik E.P. Prakticheskaya psixologiya imidja. // Vestnik universiteta. Ser. Sotsiologiya i psixologiya upravleniya. – M.. GUU, 1999. – S.47.
12. Kiselev I.Y. Problema obraza gosudarstva v mejdunarodnih otnosheniyax v ramkakh konstruktivistskoy paradigmii // [www.elitarium.ru](http://www.elitarium.ru). 2007. Aprel. – C. 8.
13. Ismailova K. Sovremennye proyavleniya napravленности materialov zarubejnuyu auditoriyu v sfere mejdunarodnogo radioveshchaniya. Globallashuv sharoitida axborot xavfsizligi masalalari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – T., 2016. – B.21.
14. O'zbekiston milliy teleradiokompaniyasining rasmiy sayti. – URL.: <https://mtrk.uz/uz/>
15. "Mediabay Asia" MCHJ sayti. – URL.: <http://mediabay.uz/>
16. O'zbekiston milliy axborot agentligining sayti. – URL.: <http://www.aza.uz/oz/>
17. Feysbuk ijtimoiy tarmog'm. – URL.: <https://www.facebook.com>